



Карансебеш (Шабаш) жанги 1788 йил 17 сентябрь куни Усманий аскарларини кидирган Австрия армияси орасида юз беради. 100 мингга якин Австрия армияси Усманий кўшини билан жанг қилиш учун Карансебеш қасабаси (ҳозирги Руминия ҳудуди) яқинига қароргоҳ қуради.

Хуссар (гусарь, енгил қурулланган отлик аскарлар) отрядлари разведка учун Тимиш дарёсининг нариги соҳилига ўтади. Лекин у ерда Усманий кўшинидан из ҳам тополмайди.

Хуссар отрядининг қаршисидан чиққан лўлилар Австрия аскарларига шнапс номли спиртли ичимлик сотиб олишни таклиф қилишади. Таклифдан мамнун бўлган хуссарлар ичкилик бочкаларини сотиб олишади.

Кейинрок дарёдан ўтган бошка Австрия пиёда аскарлари хуссарларнинг бу ичкиликларига шерик бўлишни истайди. Лекин хуссарлар ичкиликлари билан бўлишни исташмайди ва бочкаларнинг атрофини куршаб, химоя остига олишади. Тортишма давом этаётган бир вақтда бир аскар ўт очади. Шу тарика хуссарлар ва пиёдалар орасида тўқнашув юзага келади.

Тўқнашув вақтида баъзи пиёдалар хуссарларни кўркитиш учун “Турклар! Турклар!” деб бакиришади. Буни эшитган хуссарлар турклар келди деб ўйлаб, кочишга тушади. Хуссарларнинг қочаётганлигини кўрган пиёдалар ҳам қоча бошлайди.

Австрия армияси ломбардиялик итальянлардан, болконлик славянлардан, австрияликлардан ва турли кам сонли миллатлардан иборат эди. Шу сабабли аскарлар бир-бирини тушунишда кийинчиликларга дуч келишарди. Вазиятни тузатишга уринган австриялик зобитлар “Халт! Халт!” (Тўхтанглар!) дея бакиришади. Лекин немисча билмайдиган аскарлар бу калималарни “Аллох! Аллох!” деб тушунгач вахимага тушиб, вазият янада кийинлашади.

Суворийларнинг қароргоҳга қараб ўпкасини кўлтиклаб қочиб келаётганини кўрган бир отряд қўмондони Усманий кўшини хужумига учради деб ўйлаб, тўпчиларга ўт очишни буюради. Бу орада отишма овозни эшитган аскарлар нима бўлаётганини тушунмай тум-тарақай қочишга тушади. Аскарлар ҳар кўрган сояни турклар деб ўйлаб ўт очишни бошлайди. Аслида улар ўз аскарлари эди.

Бу ур-тўполон натижасида бутун армия ортга чекинади. Император Иосиф II кичик ариқдан ўтаётганида отидан кулаб жароҳат олади.

Икки кундан кейин воқеа жойига етиб келган Усманий кўшини 10 мингга яқин ўлик ва ярадорларга дуч келади ҳамда Карансебеш шаҳрини осонлик билан қўлга киритади.

[Манба](#)